



НЕМИС ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА ҲИКОЯЛАР ТАРЖИМАСИДА ТИЛ МУАММОСИ

Рустамова Дилиода Зарифбой қизи

ЎзМУ 2-курс талабаси

Тошкент шаҳари

+998933095689

Илмий раҳбар – Профессор Ияминава Ш. С.

Аннотация: Ушбу мақолада немис тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилинган ҳикоя мисолида, таржиманинг қийинчиликлари, муваффақиятлари ва натижалари тўғрисида сўз юритилади. Мақолада таржимада эквивалент танлаш, номлар таржимаси, таржимон маҳорати ҳамда миллий колорит масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Аннотация: В данной статье рассказывается о трудностях, успехах и результатах перевода на примере рассказа, непосредственно переведенного с немецкого на узбекский язык. В статье также подробно рассмотрены подбор эквивалентов при переводе, перевод имен, навыки переводчика, а также вопрос национального колорита.

Abstract: This article describes the difficulties, successes and results of translation using the example of a story directly translated from German into Uzbek. The article also discusses in detail the selection of equivalents in translation, translation of names, translator skills, as well as the issue of national color.

Калим сўзлар: Таржима, бевосита таржима, миллий колорит, эквивалент танлаш, таржимон, маҳорат, ҳикоя, адекват таржима.

Ключевые слова: Перевод, прямой перевод, национальный колорит, выбор эквивалента, переводчик, мастерство, сюжет, адекватный перевод.



Key words: *Translation, direct translation, national color, choice of equivalent, translator, skill, plot, adequate translation.*

Таржимон бу аслида икки халқ ўртасидаги уларни бир-бирига адабиёт йўллари билан боғловчи кўприқдир. Унинг таржима қилинган асарлари эса шу жараён махсули. Ижоди ҳар жихатдан ўрганишга лойиқ ва ибратли бўлган устоз таржимонлардан бири Мирзакомил Исмоилий таржима санъатини шундай таърифлайди: “Таржимачиликнинг ўйдим-чуқур йўллари кўп, таржимон зиммасидаги бурч икки олам юкидир” [8, 5].

Таржимашунослик бир нача асрлардан бери ривож топиб келмоқда, шунга кўра унинг меваларини ҳозирга кунга қадар адабиётнинг турли жанрларида акс этганлигига гувоҳи бўлишимиз мумкин. Кичик хикоялар ва анекдотлардан тортиб улкан романларгача таржимонларамиз томонидан таржима қилинган асарлар китобхонлар эътиборига тақдим қилиб келинмоқда. Шу ўринда таржима жараёнида дуч келинадиган кўпгина муаммолар ҳақида алоҳида сўз юритиш жоиз. Албатта ҳеч қайси бир тил бир бирисиз ривожлана олмайди, аксинча улар ўзларининг хусусиятлари билан ажралиб туради ва бу жихатларни махорат ила икки тил ўртасида боғловчи устун бўла олган инсон махоратли таржимондир. Таниқли таржимон, олима ва профессор Шухратхон Имяминова ўз китобида, улуғ алломаларимизнинг таржимонларни “маърифат чопарлари “ деб атаганликлари ҳақида келтириб ўтганлар [5, 8].

Ўзбек таржимачилиги сўнги йилларда кенг ривожланиб бормоқда. Бунинг мисолида, 2017-йил Гёте институт ҳамда бир қанча таржимонлар ҳамкорлигида нашр этирилган “*Literarische Leuchttürme*” (*Адабиёт маёқлари*) хикоялар тўпламини келтириш мумкин. Ушбу тўпламда бир қанча олмон ёзувчиларининг ҳикоялари немис тилидан ўзбек тилига ва бир қанча



Ўзбек ёзувчиларнинг ҳикоялари ўзбек тилидан немис тилига бевосита таржима қилинган.

Таржима жараёнининг энг муҳим ва қийинчилик туғдирадиган томонларидан бири бу, унга сарлавха танлашдир. Бу ҳолатда таржимон албатта, матннинг ўша тилдаги сарлавҳасига ва асосийси унинг мазмунига эътибор қаратиш лозим. Бунга мисол қилиб Кристине Билкаунинг “*Verlust, Verbundheit*” ҳикояси олмон тилидан ўзбек тилига Ҳафиза Кучкарова томонидан қилинган таржимани олиш мумкин. Сарлавҳанинг немисча номи “*Verlust, Verbundheit*”, ўзбекчага “*Қисмат ва тақдир*” деб ўгирилган. Аслида *Verlust* ва *Verbundheit* сўзлари икки тилли луғатда *йўқотиш* ва *бирлашиш* маъноларини англатади. Аслини олганда қисмат, тақдир сўзлари бир-бирига ўзаро синоним бўлиб, ҳикоянинг мазмунини қисман ифодалаш мумкин. Бироқ юқоридаги сўзлар маъносига тўғри келмайди, шу сабабдан сарлавҳа хусусида атофлича фикр юритиш лозим эди. Бизнингча ҳикоя сарлавҳасини унинг умумий маъносидан келиб чиқиб – “Ўтмишим ҳақида ўйлар” деб таржима қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳар бир халқнинг ўз урф-одатлари, анъаналари, қарашларидан келиб чиққан ҳолда асрлар оша оғиздан оғизга ўтиб келаётган мақол, матал, ибора ва фразеологизмларни асарларда учратишимиз табиий ҳол. Мақол халқнинг панд-насихати, маънавий-ахлоқий хулосаси, халқ миллий руҳининг акс-садоси, тил табиатининг ҳикматли мезонидир. Мақол тўқилмайди, балки маълум шароит тақозоси билан яратилади [6, 116]. Нафақат мақол, фразеологизмлар, ибораларнинг маъноси контекст ичида очилади. Бинобарин, муайян иборанинг маъносини очиш учун контекст ичида олиб қараш лозим. Тўғри, икки ёки бир нечта тилда ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам маъновий тарафдан айнан мувофиқ кеалдиган мутлақ эквиваленталар ҳам топилади, [6, с.118]. Масалан: *Als würde man eine Angel nach ihm auswerfen, es*



ködern und zu sich heranziehen, obwohl es noch eine Weile in weiter Entfernung herumgeschwommen wäre. Қуйдаги гапда *"Eine Angel auswerfen"* ибораси кўчма маънода келиб, таржимон томонидан қуйдагича ўзбек тилига ўғирилган: *Қанчалар аянчли бўлмасин, қариликка ташланган қармоқ кун келиб барибир бўлади тузоқ...* Таржимон ушбу гапда етарлича фикрни мақолга ўхшаш сўз бирикмалари билан оригинал гапни тўлиқ очиб беришга ҳаракат қилган.

Баъзида мақол ва ибораларнинг таржима жараёнида айнан эквивалентини топиб қўллаш анча мушкул ва атрофлича ўрганишни талаб қилади. Мақолларни таржима қилишда икки йўналиш муҳимдир, яъни немис тилидаги мақол ўзбек тилидаги муқобили билан берилади ёки мақол сўзма-сўз таржима қилинади. Масалан: *"Ein Kind ist kein Kind"* мақоли ўзбек тилига таржимон томонидан *"Битта бола камлик қилади"* деб таржима қилинган. Таржима нуқтаи назаридан олинганда мақолларни таржима қилишда қуйдаги бирикмани маъно ва форма жиҳатидан бир-бирига мос келмайдиган мақоллар гуруҳига киритиш мумкин [2, 40].

XXI аср замонавий технологиялар асри бўлибгина қолмай, ўз таъсирини дунё тилларига ҳам ўтказмоқда. Бунга эса кундан кунга нафақат немис тили балки бошқа тилларга кириб келаётган сўзларнинг баъзи замонавий адабиётларда акс этганлигига гувоҳи бўламиз. Бундай сўзлар таржимаси эса айниқса қизиқ ва мураккаб ҳодисадир. Баъзи олимларнинг фикрича, таржима жараёни баъзида, *"шу асарда мавжуд бўлган ахборотларни берилиши бошқа тилдаги воситалар асосида амалга оширилади"* [2, 18]. Шунингдек, қуйдаги фикрни мақуллаган ҳолда ўзлашма сўзлар таржимаси жараёнида, ёки уларни тилдаги эквиваленти берилади, ёки таржимадаги тарнслитерация қўлланилади. Масалан: *"Sie werden eine interkulturelle Familie", sagte der Ethnologe, und es klang wie etwas Selbstverständliches; eine Grossfamilie, eine*



Kleinfamilie; eine Patchwork-Familie oder eben eine interkulturelle Familie.” Ушбу гапда инглиз тилидан ўзлашган *Patchwork-Familie* сўз бирикмасига дуч келамиз ва бу аслида икки турмуш ўртоқнинг олдинги муносабатларидан келиб чиққан ҳолда, турли ота-оналарнинг фарзандлари яшайдиган оила ҳисобланади. Бу гапни эса таржимон “*Кўп ёки кам сонли, турли миллатларни мужассам этган бир оила бўласизлар*”, - гапда давом этди этнолог, деб таржима қилган. *Patchwork-Familie* сўз биримаси бизнингча ота бир, аммо она бошқа фарзандлар мавжуд бўлган оила, деб изоҳ берсак ёки таржима қилсак мақсадга мувофиқ бўлади. Кўриниб турибдики, таржимон ушбу гапда айнан бу сўзнинг таржимасини тушириб қолдирган. Агар бундай ҳолатлартаржима жарайонида кўп учрайдиган бўлса, таржима қилинаётган асар ўз асладан йироқлашиб кетиши хавфдан ҳоли эмас.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, таржима бу мураккаб жараён бўлиб таржимондан юксак маҳорат, билим, тажриба талаб қилади.

Юқорида биз бир ҳикоянинг немис тилидан ўзбек тилига таржимаси мисолида мақоллар ва чет тилидан ўзлашган сўзларнинг таржимада берилиши ҳолида фикр юритишга ҳаракат қилдик. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, таржимон аслиятда берилган барча сўзларни реал таржима қилишга ва зарур бўлганда эквивалентлар танлашга катта аҳамият бериши лозим. Шу билан таржимон адекват таржимага эришишга мувофақ бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Literarische Leuchttürme. Адабиёт маёқлари. Гёте институти – Тошкент, Академнашр, 2017.
2. Борисова И.Ф., Имяминова Ш.С. Таржима назарияси ва амалиёти. Тошкент, ЎзМУ, 2005.



3. Ғайбуллоҳ ас Салом. Таржима назарияси ва амалиётдан маъруза матни. Тошкент, ЎзМУ, 2003.
4. Имяминова Ш. Бадиий таржима санъатдир. – www.fikr.uz
5. Имяминова Ш.С. Бадиий матнлар таржимаси. Услубий қўлланма. Тошкент, ЎзМУ, 2014.
6. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1983.
7. Эгамова Я. Таржимонлик санъаткорликдир // Ёшлик. 2013. № 12
8. Имяминова Ш.С. Бадиий матнлар таржимаси тўплами. Тошкент, ЎзМУ, 2013.